بسم الله الرحمان الرحيم
الفصل الخامس
مختصر مسار الصحوة الإسلامية المعاصرة
(1930 – 2003) م
Бешинчи Фасл
Замонавий инқилобий жамоатларнинг мухтасар сийрати

فَلَوْلاَ كَانَ مِنَ الْقُرُونِ مِن قَبْلِكُمْ أُوْلُواْ بَقِيَّةٍ يَنْهَوْنَ عَنِ الْفَسَادِ فِي الأَرْضِ إِلاَّ قَلِيلاً مِّمَّنْ أَنجَيْنَا مِنْهُمْ (هود:116)

Сиздан олдинги асрларда ер юзида фасоддан қайтарадиган боқийлик эгалари бўлганида эди. Магар Биз нажот берганлар озгина кишилар бўлди, холос.

روى أبو داود:4299 - عَنْ ثَوْبَانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– « يُوشِكُ الأُمَمُ أَنْ تَدَاعَى عَلَيْكُمْ كَمَا تَدَاعَى الأَكَلَةُ إِلَى قَصْعَتِهَا ». فَقَالَ قَائِلٌ وَمِنْ قِلَّةٍ نَحْنُ يَوْمَئِذٍ قَالَ « بَلْ أَنْتُمْ يَوْمَئِذٍ كَثِيرٌ وَلَكِنَّكُمْ غُثَاءٌ كَغُثَاءِ السَّيْلِ وَلَيَنْزِعَنَّ اللَّهُ مِنْ صُدُورِ عَدُوِّكُمُ الْمَهَابَةَ مِنْكُمْ وَلَيَقْذِفَنَّ اللَّهُ فِى قُلُوبِكُمُ الْوَهَنَ ». فَقَالَ قَائِلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا الْوَهَنُ قَالَ « حُبُّ الدُّنْيَا وَكَرَاهِيَةُ الْمَوْتِ ».

Абу Довуд Савбон родийалллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: *Яқин вақтларда кофирлар сизларга хужум қилади худди оч қолган одамлар идишдаги таомга хужум қилгандай сизларга хужум қиладилар.* Бир сахобий сўради: эй Росулуллоҳ ўша пайтда бизларни сонимиз кам бўладими? Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *Сизлар балки сон жиҳатидан кўп бўласизлар. Лекин Сел кўпиги каби бўласизлар ва Аллоҳ душманларингизнинг қалбларидан сизларни ҳайбатларингизни суғуриб олади ва Аллоҳ қалбларингизга "вахн"ни солиб қўяди.* Бир сахобий сўради: эй Росулуллоҳ "вахн" нима у? Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди: *Дунёни мухаббати ва ўлимни ёмон кўришлик.*

روى مسلم:389 – عَنْ أَبِى هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– « بَدَأَ الإِسْلاَمُ غَرِيبًا وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ »

Имом Муслим Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *Ислом ғариб ҳолда бошланди ва ғарибликка қайтади худди бошлангани каби. Ғарибларга жаннат бўлсин.*

1. **Жамоатларни ташкил топиш босқичи.**
2. **Жамоатларни сараланиш босқичи.**
3. **Имтихонлар босқичи.**
4. **11 сентябрдан кейин жамоатлар ҳолати**

Жамоатларни ташкил топиш босқичи.

Усмоний халифалиги 1924 йили расман қулади. Хилофатда заифлиги эса XIX асрда бошланган эди. Аммо XX асрга келиб бу заифлик янада кучайиб уни қулашига олиб келди. Хилофат гўёки вафот қилди сўнгра салибийлар ва уларни орқасида бўлган яхудийлар шуни мерос сифатида хилофатдан қолган ерларни бўлишиб яъни тақсимлоб олишди. Хилофатни остида элликдан кўпроқ давлатлар бор эди.

Исломий инқилобий ислоҳий харакатлар XIX асрда бошланган эди. Шахслар ва жамоатлар хилофатни ислоҳ қилиш ва уни қулашидан сақлашлик учун ўз фаолиятларини бошлашган эди. Усмоний халифалигини энг охиргиси Султон Абдулхамид роҳимаҳуллоҳ ҳам шу ишларни ҳоҳлар эди. Лекин касаллик шу даражада кучайиб кетган эдики табибни дорилари фойда бермай қолган эди. Хуллас хилофат йиқилди ва кофирларни хукуматлари бошланди. Ва бугунги кунда тақрибан 100 йил бўляптики биз хилофат деган неъматдан махруммиз. Шунинг натижасида бутун ислом оламида араб давлатлари бўлсин ажам давлатлари бўлсин ҳаммасида бир ҳиссиёт пайдо бўлди. Яъни Хилофатни яна ўрнатиш, ислом ҳокимятини яна тиклаш ҳиссиёти эди. Бу ишда иштирок этиш учун кўп ёш ўғлонлар, шайхлар ва аҳли илмлар майдонга чиқди ва гурухлар ва жамоатлар пайдо бўла бошлади. Биз шу гурух ва жамоатларни хулоса қилиб айтиб ўтамиз.

1. **Ихванул – Муслимун жамоати** (جماعة الإخوان المسلمين).
2. **Ихванул Муслимун манҳажига яқин бўлган (حركات قريبة فكريا من منهج الإخوان).**
3. **Хизбут – Тахрир (حزب التحرير الإسلامي).**
4. **Ислоҳий ва тарбиявий ҳаракатлар. (الإصلاحية التربوية)**
5. **Таблиғ ва даъват жамоатлари. (جماعات التبليغ والدعوة)**
6. **Салафий ва аҳли – ҳадис ҳаракатлар (الحركات السلفية وأهل الحديث)**

- **Ихванул – Муслимун.** Бу жамоат биринчи бўлиб Мисрда 1928 йили ташкил топди. Бу жамоатнинг асосчиси шаҳид Шейх Хасанул – Банно (حسن البنا رحمه الله) эдилар. Уларнинг шиори шундан иборат эди: **Аллоҳ таоло мақсадимиздир (الله غايتنا), Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам раҳбаримиздир (الرسول قدوتنا), Қуръанул-Карим қонунимиздир (القرآن دستورنا), Жиҳод йўлимиздир (الجهاد في سبيلنا), Аллоҳ таолони йўлида ўлим яъни шаҳодат буюк орзуимиздир (الموت في سبيل الله أسمى أمانينا).**

Бу даъват бутун Мисрни эгаллади ва ўзига жалб қилди. Хаттоки шу даъват Шом давлатларига ҳам кириб кетди. Шу давлатларга кириб ислом учун куюб турган катта – катта аҳли илмлар, толиби илмлар, мужоҳидлар ва ҳар ҳил шахсларни ўзига жалб қилди. Зероки шу даъватлар ислом оламида бўлган бир дарднинг давоси бўлиб чиқган эди. Шунинг учун шу даъватларга ҳар – ҳил тоифалар ҳам қўшилди ва ҳар – ҳил шахслар ҳам қўшилган эди. Ихванул – Муслимуннинг даъвати сўфий фикр, салафий фикр, жиҳодий фикр, жамоатий фикр яъни жамоат бўлиб яшашлик фикри ва ошкора сиёсий йўлланма билан йўлга чиқди. Шу даъватнинг ичида оз – моз қовмий, миллатчилик ва ватанпарварлик туйғулар ҳам бор эди. Ихванул – Муслимун ҳар шаҳарда ўзининг вазиятига яраша ишларни олдига олиб борди. Сайловлар ва интихоботларга ҳам иштирок этдилар ва Фаластинда жиҳодга

қатнашдилар ва Мисрда ингилизларга қарши жиҳодий амалиётларни ўтказдилар. Вақт ўтиши билан уларнинг устозлари, муаъллимлари ва кенг доирада кутубхоналари ҳам вужудга келди. Ёш йигитларни ўзига тортадиган ва аҳли илмларни ўзига жалб қиладиган фикрий ва ақлий бир хос манхаж ҳам вужудга келди.

- Ихванул – Муслимун сиёсий жамоатларнинг она жамоати мисолида бўлиб қолди. Хаттоки баъзи жиҳодий жамоатларга ҳам она жамоат бўлиб ҳисобланади. Ихванул – Муслимуннинг фикридан таъсирланган ёш йигитлар, шайхлар ва аҳли илмлар дунёга тарқалди ва ҳар жойда Ихванул – Муслимуннинг номи билан ёки бошқа ном билан Ихванул – Муслимуннинг фикрини тарқатдилар. Шундан кейин ҳамма жойларда Ихванул – Муслимуннинг фикри кенг тарқалди. Номлари ҳар – хил бўлишидан қатъий назар асли Ихванул – Муслимун бўлган булар. Мустақил бўлиб ўзининг давлатларида вужудга келган ва Ихваний фикрга эга бўлганлардан мисол учун: Судан миллатчилик жамоати (الجبهة القومية السودانية), Тунисда (حركة الإتجاه الإسلامي) кейин бориб Наҳзага(حركة النهضة) яъни ўйғониш ҳаракатига ўзгариб кетди, Алжирияда Ҳаммос деган ҳаракат вужудга келди (حماس حركة). Бу ҳаракатни Махфуз Нахнах деган одам ташкил қилди. Марокаш яъни Мағрибда (حركة الإصلاح والتجديد) деган ҳаракат вужудга келди. Алмонияда (حركة الطلائع الإسلامية) шайх Аъсом Аътор бошчилигида вужудга келди. Шу жамоат европадаги кўп толиби илмларни ўзига жалб қилди. Мана шу биринчи ҳаракат бўлди. Бундан кейин Ихванул – Муслимуннинг фикрига яқинроқ жамоатлар вужудга келди. Мисол учун Туркияда “Саломат партия” кейин бориб “Фазилат партия” ва “Адолат партия”га айланиб кетди. Нажмуддин Арбаканга ўхшаш одамлар шу партияларни бошқарди. Покистонда “Жамоати Исломий” номли партия. Қози Хусайнга ўхшаш одамлар бошқарган.
- **Исломий Хизбут – Тахрир.** Бу жамоатни бир фаластиний олим Мухаммад Набҳаний (محمد النبهان) ташкил қилди. Мухаммад Набҳаний Урдун ва Фаластин диёрларида яшаган ва фаолият олиб борган. 1940 йил мелодийда Хизбут–Тахрирнинг даъвати авжига чиққан. Буларнинг даъвати бошқа жамоатлардан фарқли хусусияти шундан иборатки, буларнинг даъвати сиёсий тарбияга жуда кўп эътибор беради. Ва шу сиёсий тарбияни мақсади хилофат ўрнатишдир. Лекин қуролланган фаолиятга хозир ижозат бермайди яъни булар Жиҳодни инкор қилмайди. “Лекин ҳозир уни вақти эмас” - дейди. Даъватларини ҳозирда махфий кўринишда олиб борадилар. Хизбут–Тахрир каби жамоатларнинг даъватлари кўпроқ зулмланган аммо қуроли йўқ, қуроли бўлса ҳам у даражада қудрати йўқ бўлган халқлар орасида ривож топди. Мисол учун Ўрта Осиёнинг давлатлари: Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия давлатлар. Хизбут–Тахрирнинг даъватида ҳозиргача “Маккий даврдамиз” деган фикр бор. “Маккий даврда зулмланиб турган мусулмонларга ўхшаб булар ҳам ўзларини зулмланиб турган мусулмонлармиз деб бошқаларни шунга даъват қилишади. Хуллас Хизбут–Тахрирнинт фаолиятининг тартиби шуки: Махфий даъват олиб борилади аммо қуролланган фаолиятни ҳозир вақти эмас.
- **Ислоҳий ва тарбиявий ҳаракатлар.** Бу ҳаракатлар диний тушунчани ва илмий яъни шаръий тушунчани одамларга беришга ҳаракат қилади. Шу даъватларни одамлар қабул қилгандан кейин “Жиҳод”га тайёр бўламиз ва хукуматларга қарши жангни олиб борамиз. Бунга мисол Алжерияда “Уламои - муслимун”(جمعية العلماء المسلمين) жамоати. Шу жамоат одамларни сиёсий фикрларини очди ва воқеликни мусулмонларга тушунтиришга

ҳаракат қилди. Шундан сўнг охирида қуролланган жиҳодга даъватни қилди ва жиҳод ҳам бўлди. Алжирияни қиссаси узун экан. Шу тўғрисида ҳам муаллиф Абу Мусаъб Сурийни китоб ёзган экан. Мутола қиламан деган биродарлар шу китобни ўқиб чиқсин.

- **Таблиғ ва даъват жамоатлари.** Бу жамоатларнинг ҳам кўп тоифалари бор. Булардан энг машҳури Ҳиндистон диёрларида ривожланган "Таблиғ" жамоатидир. Бутун дунёда фаолит олиб боришади. Буларнинг мақсади фарднинг ислоҳи экан яъни шахснинг ислохи экан. Ҳар бир шахс ислох бўлиши учун булар масжидма – масжид, кўчама – кўча, қишлоқма – қишлоқ, шаҳарма – шаҳар юриб одамларни даъват қиладилар. Аммо сиёсатдан умуман йироқдалар. Сиёсатга яқинлашишмайди ва яқинлашишга ҳам қўйишмайди. Буларнинг фикри дунёда кўп ривож топган ва ҳеч қайси давлат буларга қаршилик ҳам қилмайди. Зероки булар ҳам қилишмайди. Миллионлаб одамлар буларга эргашган ва буларни яхши кўришади. Бу таблиғчилар 1 кун, 1 ҳафта, 1 ой, 40 кун, 1 йил Аллоҳнинг йўлида даъватга чиқиб кетади. Ўзининг пули ва ўзининг молу давлати билан таблиғ ишини олиб боради. Шу йўл билан одамларга динни тушунтиради. Лекин сиёсат билан буларни иши йўқ ва сиёсий гапларни гапиришга ҳам қўймайди.
- **Салафий ва аҳли ҳадис ҳаракатлари.** Салафий ва аҳли – ҳадисларни фикр шундан иборатдир: Динни соф ҳолда умматга етказиш. Умматдаги бидаътларни йўқотиш. Ўлиб кетаётган суннатларни тирилтириш. Сахих ҳадисларни заифидан ажратиб динни далиллари билан етказишдир. Аксар салафий ҳаракатлар араб давлатлари бўлсин ёки ғойри араб давлатлари бўлсин даъватни илмий йўл билан етказишар эди яъни даллилар билан, оятлар ва сахих ҳадислар билан. Буларни тариқаси илмий ва тарбиявий экан. Шу ишларга уларга ёрдам берган давлат Саудия хукумати бўлди. Минтақавий хукуматий бўлмаган аҳли илмлар хукуматни ёрдами билан ўзининг даъватини тарқатишга хукуматдан ёрдам олди ва фаолитни юргаздилар. Бунинг натижасида жомеаълар, мадрасалар, катта – катта таблиғий идоралар вужудга келди. Хоссатан шайхул ислом имом ибн Таймия рохимаҳуллоҳ ва у кишига ўхшаш ҳамфикр аҳли илмлар, шогирдларнинг китобларини Саудия хукумати кўп масрафлар қилиб дунёга чоп қилиб тарқатди. Булардан Имом ибнул – Қойюм рохимаҳуллоҳ, имом Шотибий рохимаҳуллоҳларнинг китобларини дунёга тарқатди. Шу ишлар дунёда салафий фикр тарқалишига ва ислом оламида аҳлул – ҳадисларнинг мадрасаларини очилишига сабабчи бўлди. Аммо муаллиф бу ерда айтадики: (إن الله لينصر هذا الدين بالرجل الفاجر) Аллоҳ таъоло шу динни фожир одам орқали ёрдам беради, (وبأقوام لا خلاق لهم) ва шундай қавлар билан динини ривожлантирадики охиратда улар учун ҳеч қандай насиба йўқ. Яъни Салафий даъват дунёга тарқалган бўлса бунда Саудия хукуматини ҳеч қандай насибаси йўқ. Салафий даъватни сахих ва чиройли юзи дунёга кўрсатилган бўлса-да шундан Саудия хукуматини қора юзи оқариб қолмайди. Лекин вақт ўтиши билан ихваний фикр ва салафий ақида аралашди ва бунинг натижасида "Сурурийа" (السرورية) номли бир тоифа пайдо бўлди. Саид Қутб рохимаҳуллоҳнинг фикри ва салафий даъватлар ва эски мадрасаларни фикрлари аралашиб жиҳодий салафий (السلفية الجهادية) тоифа вужудга келди

Хулоса: 1 – босқич 1930 – 1965 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Шу 1 – босқични жамоатларни вужудга келиш ва пайдо бўлиш босқичи деб номланади. Чунки бу даврда умматни ўйғотиб, қайтадан хилофатни ўрнатиш мухумлиги жамоатларни пайдо бўлишига сабаб бўлган эди. Сиёсий жиҳатдан "Ихванул – Муслимун"нинг ҳаракатлари бошланган

бўлса, “Салафий” жиҳатдан шайх Мухаммад ибн Абдулваҳҳаб рохимаҳуллоҳнинг ҳаракатлари бошланган эди ва ҳоказо.

Усмоний халифалиги суқут бўлгандан кейин Туркияда дин душманлари томонидан турклаштириш сиёсати (سياسة التتريك) бошланиб кетган эди, яъни арабий калималар ва арабий харфларни бошқасига ўзгартириш сиёсати бошланиб кетган эди. Бошқа давлатларда ҳам шундай сиёсатлар аста – секин бошланаёган эди. Ўша вақтда инқилобий жамоатларнинг олиб борган ишларини фойдаларидан бири шундан иборат бўлдики: Душманга қарши жанг қилиш, битта–ю битта душманимиз бу яхуд ва насоролар эканлиги ва шу каби йўлланмалар ҳақидаги китоблар чиқарила бошланди.

Юқорида 1930 – 1965 йилгача бўлган давр ичида жамоатларни юзага келиш тартибини мухтасар шаклда айтиб ўтдик. 2 – босқичда эса 1965 – 1990 йилгача давр ичида жамоатларни “ғалвир”дан ўтиш даври яъни сараланиш даври ҳақида баён қилиб ўтамиз.

Жамоатларни сараланиш босқичи.

Усмоний хилофат суқут бўлгандан кейин ингилизларга қарши 35 йил мобайнида ҳар – хил кўринишдаги жанглар бўлиб турди. Шундан сўнг хилофатдан ажраган давлатлар устига ингилизлар ва дин душманлари томонидан тоғут бошлиқлар қўйила бошланди. Жамоатлар ичида эса “бу тоғутлар билан қандай муомала қилиш керак” мавзусида кўп ихтилофлар бошланиб кетди. Баъзилар: “Бу тоғутларга қарши қурол кўтариш керак” деб айтса, баъзилар: “уларга қарши сиёсий кураш олиб бориш керак” деб айтди ва баъзилари: “Даъват ва тарбия қилиш керак” деса баъзилари: “Йўқ, улар мусулмон, уларга итоат қилиш керак” деб айта бошлашди ва ҳакозо. Жамоатлар ичида фикрлар ўзгариши билан манҳажлар ҳам ўзгариб кетди. Шундан кейин жамоатлардан жамоатчалар туғилиб кетди. Баъзи жамоатлар қуролланган инқилобни бошлаб юборди. Баъзилар сиёсий партияга демократия йўли билан кириб кетди. Ва баъзи жамоатлар даъват ва тарбия йўлига киришиб кетди. Шу 2 – босқичда жамоатлар ва тоифалар 4 қисмга бўлиниб кетди.

1. **Сиёсий бўлмаган тоифалар (<u>صحوة غير سياسية</u>)**
2. **Сиёсий тоифалар (<u>صحوة سياسية</u>)**
3. **Жиҳодий тоифалар (<u>صحوة جهادية</u>)**
4. **Такфирий тоифалар (<u>صحوة شاذة منحرفة</u>)**

<u>Сиёсий бўлмаган тоифалар</u> “Хукуматлардан узоқ бўлайлик “ деб даъват ва тарбия билан машғул бўлиб кетдилар. Умматни ислоҳ қилайлик, “афрод”ни ислоҳ қилайлик деб сиёсатдан узоқлашиб кетдилар. “Давлат нима қилса қилаверсин бизларни у билан ишимиз бўлмаслиги керак” дейишарди. Бу тоифа кўпроқ сўфийлар ва фақат илм билан шуғулланадиганлардан ташкил топди. Муалиф Абу Мусъаб Сурий айтади: “Бизда, Сурияда Қодирий тариқат шайхи бор эди. у киши бир янги бидаът кашф қилган эди. Яъни ким у кишининг тарбиясига мурид бўлиб кирса, у киши айтар эдики: “Аллоҳ учун 2 ракат намоз сиёсатни тарк қилиш учун ўқийман” (أصلي لله تعالى ركعتين سنة ترك السياسة.. الله أكبر). Яъни сиёсатга аралашмайман деб тавба қилгандан кейин шогирдликка қабул қилинар эди. Мана бундай янги бидаътларни ғойри сиёсий тоифалар ўйлаб топа бошладилар. Сиёсий бўлмаган тоифаларга таблиғ жамоати ҳам киради. Булар кўчама – кўча, махаллама – махалла айланиб ислоҳий ва тарбиявий даъват қилиб юрадилар лекин буларнинг масуъллари яъни катталари сиёсат эшигини қаттиқ махкамлаб қўйишган. Ҳеч қаерда сиёсат ҳақида гапиришга ижозат беришмайди. Яна сиёсатдан йироқ юрган тоифа “Салафий

– илмий”(السلفية العلمية) тоифа. Булар ўзларини китоб ва мадраса ичига беркитиб олишган, яъни илм, ҳадисларни таҳқиқ қилиш ва таълиф–у тасниф билан машғул бўлиб кетишган. Аммо сиёсат билан ишлари йўқ. Шу тоифанинг энг машҳур рамзий шахсларидан бири шайх Албаний рохимаҳуллоҳ бўладилар. Бу киши динга жуда кўп хизмат қилганлар хоссатан хадис илмида кўп хизмат қилганлар. Аммо сиёсатга аралашмаган. Сиёсатга арашмайдиган тоифанинг кейингиси “Қутбий – илмий – салафий” (القطبية العلمية السلفية) тоифадир. Буларни аввалги тоифадан фарқи шундаки, булар Саид Қутб ва Мухаммад Қутб рохимаҳумуллоҳнинг фикрларидан таъсирланган. Лекин Саид Қутб рохимаҳуллоҳнинг сиёсий ва жиҳодий фикрларини четга суриб фойдаланмай қўйишган. Ва уларга ўхшайдиган тоифалар ҳам бор бўлиб сўфий ва тарбиявий фикрлар аралаш ҳолда бўлган. Мисол учун Марокашда “Адолат ва эхсон жамоати” (جماعة العدل والإحسان).

Муаллиф Абу Мусаъб Сурий айтади: Мен яна бир танбеҳ қилиб айтмоқчиманки мени мақсадим бу ерда танқид қилиш учун эмас фақат таништириб ўтмоқчиман. Бу тоифаларда ўзаро оз - моз ихтилофлар бўлишидан қатиъй назар уларнинг фикрлари бир хил бўлган. Яъни ҳолатни ўзгартириш ва умматни ўйғотиш бу шахснинг ислоҳидан бошланади. Шахс ислоҳ бўлса жамъият ислоҳ бўлади ва жамъият ислоҳ бўлса хоким ислоҳ бўлади. “Сизлар қандай бўлсаларинг сизларнинг устиларингизга шундай (хоким)лар келади. (كما تكونوا يولى عليكم). Лекин умматнинг махаллий ва хорижий мушкулотлари билан ҳеч қандай иши йўқ. “Ва Аллоҳ таолодан бошқа буни ҳеч ким ислоҳ қила олмайди” – деган фикрда юрадилар. Уларнинг “Умматни ислоҳ қилиш” тартибида ҳам ихтилофлар бор. Уларнинг баъзилари: “Ақида тарафдан ислоҳ қилиш керак” – деб айтаса, баъзилари: “Тарбия тарафдан ислоҳ қилиш керак” – деб айтади, баъзилари эса: “фикрий тарафдан ислоҳ қилиш керак” – деб айтса ва баъзилар: “ахлоқий ва муомала тарафдан ислоҳ қилиш керак” - деб айтади. Лекин мушкулот шуки, шу тоифалар умматга бир муддатни айиб бера ололмаяпти. Яъни уларга “бу ишларингиз қачон тугайди?, бу шахсни ислоҳи ва жамъият ислоҳи неча йилда бўлади?, 50 йилми?, 70 йилми?, 100 йилми? Бир муддати борми бу ишларни?, Ундан кейин қачон жиҳод бошлаймиз?” деган саволга жавоб бера олишмайдилар. Мисол учун таблиғ жамоатда бир гап бор: “Иймонимизни мустаҳкам қилайлик”. Эй биродарим бу иймон қачон мустаҳкам бўлади ва неча йил керак бунга, бирор чегараланган муддат борми? Бу саволларга жавоб йўқ. Яна мисол учун Абу Мусъаб Сурий хафизаҳуллоҳ айтади: Мухаммад Қутб рохимаҳуллоҳнинг 90 йилларда ёзилган китоб “حول تطبيق الشريعة” яъни шаръият ўрнатиш тўғрисидаги китобда:

“وَعِنْدَمَا تَمْتَدُّ القَاعِدَةُ الصُّلْبَة وَتَصْبِحُ بُنْدَقَةً تَسْتَعْصِي عَلَى الكَسْرِ .. ذات يوم ... يأتيها فرج الله وتقوم دولتها وعندها يدخل الناس في دين الله أفواجا ...!!”

“Яъни қачонки асос кучайса ва устун синмайдиган даражада мустахкам бўлса, бир кун Аллоҳ таоло тарафдан кенглик келади, Аллоҳ таолонинг давлати ўрнатилади ва одамлар Аллоҳни динига гуруҳ – гуруҳ бўлиб киради.” Бу гаплардан билинадики буларда бирон – бир муддат йўқ экан. Булар бир тайинланган муддатни айтиб бера олмас эканлар. Зероки биз шуни жуда яхши биламизки биз мусулмон умматмиз ва шуни биламизки пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам 13 йил Маккада таблиғ қилган бўлса охир бориб Мадинада жиҳодни бошлади-ку. Лекин бу тоифалар бирон – бир муддатни айтиб бера ололмаяпти бизга. Бу зулм остида қабрга киргунгача юрамизми?, ёки бирон қурол

кўтарадиган кунимиз ҳам бормикан? деб айтадиган одам топилмайди ичларида. Муаллиф Абу Мусаъб Сурий яна эслатиб айтадики бу ерда таништириш учун айтиб кетяпман таҳлил қилиш мақсадимда йўқ. Аммо шайх Албоний рохимаҳуллоҳ мужоҳидларга қарши берган фатвосидан бир парчасини келтирб қўяман дейди:

"الْخُرُوجُ عَلَى الحُكَّامِ فِي هَذَا الزَّمَانِ هُوَ فِي حَقِيقَتِهِ خُرُوجٌ عَلَى الإِسْلَامِ"

"Шу замонада хокимларга қарши чиқишлик, ҳақиқатда Исломга қарши чиқишликдир.
Яъни шу хокимларга қарши жанг қилмаслигимиз керак улар қандай бўлса ҳам. Мана бу сиёсатга аралашмаймиз деган одамларни сиёсий фатволаридан экан. Аллоҳ таолонинг ўзи инсоф берсин. Аммо сўфийлар ва улар тақдим қилган ислоҳий режалар эса ғайбий илмлардан экан. "Фалончи келар фалончи кетар, ундан кейи ундай бўлар, шайхимиз бундай қилар" деган гапларни яъни осмоннинг устида ва ернинг остида бўладиган гапларни одамларга айтиб ўтиришади.

Муаллиф Абу Мусаъб Сурий айтади: Хукуматларнинг золим сиёсати ва уларнинг инқилобий ҳаракатларга бўлган муомаласи 50 йилнинг охирларида ва 60 йилнинг бошларида бу ғойри сиёсий тоифаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди деб ўйлайман. Нима бўлган тақдирда ҳам бу одамларнинг ихлоси ва даъватидаги фойдаларни рад қила олмаймиз. Сахих ақидани тарқатиш учун турли манхажларни ўзларига танлаб олган бўлсалар ҳам уларни ихлосини инкор қила олмаймиз. والله تعالى أعلم .

2 – босқичда туғилган 2 – тоифа ***<u>сиёсий тоифалардир.</u>*** Буларнинг ишлари ғойри сиёсийларнинг ишига умуман тескари экан. Улар сиёсатга аралашмаймиз деса булар ҳамма ишларни сиёсат билан ҳал қиламиз деб чиққан эканлар. Ҳаттоки, шу сиёсат йўлида баъзи диний ва шаръий ишлардан воз кечиш керак бўлса воз кечишди. Бу 2 – тоифа:

"أن مشاكل الأمة ذات الأسباب الداخلية أو الخارجية هي مشاكل سياسية "

"Умматнинг ташқи ва ички мушкилотлари бу ҳаммаси сиёсий мушкулотлардир "

"ولا بد أن يبحث لها عن حل من خلال ممارسة السياسة"

"Шунинг учун буни албатта сиёсат билан ҳал қилишимиз керак" – деб айтадилар. Юқорида айтганимиздек ҳаттоки диний шиорларни ҳам ташлаб юборди булар. Ва яна айтадиларки: "Сиёсатдан узоқ бўлмаслигимиз керак. Давлатларимиздаги бор бўлган қонунлар билан ва расмий равишда партиялар тузиб, буларга қарши сиёсий курашайлик ". Кўпроқ шу фикрни байроғини балан кўтарганлар "Ихванул – Муслимун" жамоаси бўлди. Ва буларнинг фикридан кўп таъсирланган партиялар бўлди. Сўнгра 1965 йилдан 1990 йилгача бўлган давр ичида бу ҳаракатларнинг ишлари юқори даражада ривожланиб кетди. Мисол учун Миср, Сурия, Покистон ва Туркия. Бу қўштирноқ ичидаги "Исломий демократия" йўли билан кўп жамоатлар интихоботга кириб кетдилар ва кўп тажрибалар ҳосил бўлди. Хоссатан 1990 йилда шу тажрибалар кўпайиб кетди. Лекин Америка ва тоғутларнинг янги "оламий янги низом"и эълон бўлгандан кейин буларга ҳам ўзгаришлар кирди. Шу ўзгаришларни кейинроқ тафсил билан айтамиз. Ҳозирча буларнинг сиёсий тажрибаларини айтиб ўтайлик. "Ихванул – Муслимун" ва ислом парастларнинг тажрибалари:

1 – тажриба. 1946 йилда Сурия Мустақил бўлгандан кейин Ихванул – Муслимун ва ислом ўрнатамиз деган баъзи жамоатлар парламент сайловларида иштирок қилдилар. Булар шу сайловларда 50-йилдан бошлаб 60-йилнинг бошларигача бор эди.

2 – тажриба. Мисрда 1952 йилда олдинроқ интихоботлар ва парламет сайловлари бўлган эди. Шунда ҳам баъзи "исломий" жамоатлар иштирок қилди. 1970 йилгача шу ишлар

давом этган эди. Тақрибан 20 йил. Сўнгра Мисрнинг подшоҳи Абдунноср ҳалок бўлгандан кейин Анвар Саодат деган янги тоғут келди. Бунинг хукуматининг бошида Ихвонийларга йўл берилган эди. Кейинроқ эса қамоқхоналарнинг дарвозалари Ихвонийларга очилди. Қамоқхоналар Ихвонийлар ва инқилобий ҳаракатлар аъзолари билан тўлиб кетди.
3 – тажриба. Иорданияда Малик Хусайн Ихвонийлар ва баъзи исломий жамоатларга 1980 йил охирларида парламентларга киришга ижозат берди. Ҳақиқатдан ҳам баъзи Ихвонийлар ва “исломий” номдаги жамоатлардан бўлганлар, хукуматга киришга муваффақ бўлдилар.
4 – тажриба. Халижда, Араб Жазираси ва Марокашда баъзи исломий жамоатлар подшоҳлар билан келишув ташкил қилишди. Хоссатан Арабистон Саудийда. Яъни буларнинг хукуматга кириши интихобот ва сайлов орқали эмас балки келишув билан бўлди.
5 – тажриба. Халиж давлатлардан Кувайт биринчи бўлиб парламент сайловларини бошлади. Шу сайловларга Ихвоний ва исломий бўлган партиялар қатнашди.
6 – тажриба. Тунисда “Исломий йўналиш” (الإتجاه الإسلامي) номли тоифа Ғонушийнинг бошчилигида интихоботга кирди ва кўп аччиқ мева берди.
7 – тажриба. Суданда “Судан Исломий қавмий жабҳаси” (الجبهة الإسلامية القومية السودانية) Туробий ва Жаъфар Намирий номли шу рахбарларнинг бошчилигида интихоботга кирди ва инқилоб қилишга мувоффақ бўлишди ва бироз Суданда хукумат ҳам қилишди. Сўнгра яна орқага қайтиб кетишди.
8 – тажриба. Ихванул – Муслимун ва шу каби жамоатлар Яманда демократ тажрибага кирди.
9 – тажриба. Араб демократларнинг энг каттароқ тажрибаси Алжирияда бўлиб ўтган эди. Алжирияда Шазилий деган призидент исломий ҳаракатларга ижозат берган эди ва улар сайловларда 90% овоз тўплаган эдилар. Лекин бари - бир уларга хукумат берилмади.
10 – тажриба. Покистонда Абу Аъла Модудий қурган Ихванул – Муслимунга яқин жамоат “Жамоати Исломий”. Булар ҳам шу тажрибага кирди ва ҳозиргача шу аччиқ мевани тотиб юришибди. Хукуматга киради – чиқади ва яна киради – чиқади, хор бўлади. Лекин хозиргача шунда давом этяпди.
11 – тажриба. 1960 йилдан бошлаб Тукияда Нажмиддин Арбакон бошчилигида 2 марта хукуматга киришга муваффақ бўлди булар. 1995 йилда ва 1996 йилда Арбакон бош вазир бўлиб чиқди Туркияга. Аскарлар инқилоб қилиб бу кишини 2 марта уйига жўнатворишди. Яъни хукуматга қўйишмади.

Хулоса: “Исломий” жамоатлар ёки “исломий” номдаги демократ ҳаракатлар фаолиятлари ҳамма вақт қаршиликда бўлди. Аммо хукуматларда аслий демократлар ёки аслий динсиз демократлар келади, уларга қаршилик йўқ. Буларга эса хукуматга келиши биланоқ қаршиликлар бошланади. Аслан булар хукуматга кириши камдан – кам кузатилган. Масалан: Туркия, Иордания ва Алжерияда хукумат қўлга киритилди. Лекин хукуматни мазасини тота олишмади. Балки буларни тирноқларини кесилиб, хайвонот боғидаги шерлар каби ушлаб турилар эди. Яъни кўринишда шеър каби лекин тирноқлари олинган. Қарор оладиган хукумат марказларидан узоқлаштирилган.
12 – тажриба. Бу энг мусибатли кўриниши. Сўфий, салафий ва таблиғий тоифалар шу парламентга киришга ҳаракат бошлади. Ваҳоланки булар олдин кузатувчи сифатида хукуматга аралашмасдан кузатиб туришган эдилар. Кўриб, билиб туришган эдики булардан олдин Ихванул – Муслимун ҳеч нарсага эриша олмаган эди. Шундай бўлса ҳам булар хукуматга киришга харакат қилдилар.

2 – босқичда вужудга келган 3 – тоифа ***<u>Жиҳодий тоифалардир.</u>*** Хукуматга тоғутлар кела бошлагандан кейин сиёсий ва ғойри сиёсий тоифалар фаолиятини давом эттирдилар. Аммо жиҳодийлар: “буларга қарши жанг қилиш керак” - деб қурол олиб жиҳодни бошлаб юборишди. Жиҳодийларни фикрини хулосаси шуки: “Биз мусулмонмиз, мусулмон бўлганимиздан кейин бизнинг устимизга ўрнатиладиган қонун у Аллоҳ таолонинг хукми бўлиши керак ва Аллоҳнинг дўсти дўстимиз, Аллоҳнинг душмани душманимиз бўлиши керак ва бизнинг ватанларимиздан чиқаётган моли – мулклар яъни табий бойликлар булар бизники. Лекин ташқаридан кириб келган тоғутлар ва уларни бошқариб турган яхуд ва насоролар бу бойликларни биздан ўғирлаб олиб кетишяпти. Бу ишларни тўсишнинг биттадан – битта иложи бу қиличдир.” Ва шу тоғутлар ҳам ёниб турган оловга яна “бензин” септилар. Ёшларни яъни қизиб турган ўғлонларни қамоққа сола бошладилар. Уларга зулм қилишди, уларни азоблашди ва уларнинг номусларига ҳам тажоввуз қилишди. Шунинг натижасида “бу хокимларнинг хукми нима экан?, Бу хокимларга қандай муомала қилиш керак экан?” деган фикирлар туғилди. Ва ихтилофсиз, бу инқилобий фикрнинг устози шайх шаҳид Саид Қутб рохимаҳуллоҳ бўлди. Бугунги кунгача Саид Қутб рохимаҳуллоҳнинг фикрлари ва шу кишига ўхшаш аҳли илмлар ва шайхлар мужоҳидларга руҳий, тарбиявий ва сиёсий йўлланмалар бериб турибдилар. Шу фикрлар натижасида биринчи бўлиб жиҳодий ва ҳаракатий инқилоб Мисрда сўнгра Шомда сўнгра Африка шимолида ва кейин бориб Афғонистонда бошланиб кетди. Муаллиф Абу Мусаъб Сурий: “Шу тажрибаларни иншаоллоҳ яна тафсил қилиб кейинги фаслларда айтиб ўтаман” дейди.

2 – босқичда вужудга келган 4 – тоифа ***<u>Такфирий тоифалардир</u>***. Бу тоифага бундай номни Тоғутларнинг медиаси берган яъни Тарғибот. Телвидения, радио, газета ва интернет орқали буларни “такфирий” ном билан одамларга таништирди. Буларни “такфирийлар” ва “Хижратчилар” деб ҳам номлайди. Аслида бу тоифа сиёсий ва ғойри сиёсий ва шу каби тоифаларнинг нотўғри манхажлари сабабидан вужудга келди. Бу тоифанинг келиб чиқиш макони Миср бўлган. Лекин буларнинг уруғлари бошқа давлатларда ҳам тарқала бошлади. Бу хокимлар хилма – хил куфр ва муртадлик хукмларни ва Аллоҳ таолони норози қиладиган қонунларни мусулмон умматга ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Ва яна бу хокимлар ўзларига Аллоҳнинг дўстларини душман, Аллоҳнинг душманларини дўст тутиб олишган эди. Шу хокимлар истихборот, полис, ёрдамчилар ва куч билан мусулмонларни босадиган хос гурухларни тарбияладилар. Хисоб – китобсиз қамоқхоналар ва азобхоналарни очдилар (بلا حسيب ولا رقيب). Умуман хисоб китоб йўқ ва ҳеч қандай назоратчи ҳам йўқ. Шу ишлардан кейин кохинлар ва сехргарларга ўхшайдиган муллаларни ҳам ёлладилар. Шу муллалар хокимларни исломи, иймони, адл, инсоф ва эхсонини айтиб ўтирар эдилар. Ва уларнинг низомини шаръий нозом деб ҳам айтардилар. Ва шундай хокимларни “Валиюл – Амр” яъни “шаръий Амир” деб ҳам айтдилар. Ва кўпгина сиёсий ва ғойри сиёсий тоифалар буларга қарши хақ гапни гапирмасдан мунофиқлик йўли билан ишларини давом эттирар эдилар. Балки улар билан парламентга кириб бирга ўтиришга журъат қилдилар. Ваҳоланки ўша пайтларда қанчадан – қанча умматнинг ёш йигитлари ва исломий хиссиётга берилиб кетган ёш ўғлонлари қамоқхоналарда ва зиндонларда азобланиб шаҳид бўлиб, беном-у ва бенишон бўлиб кетаётган эдилар. Лекин шу ҳолатда ҳам бу тоғутнинг муллалари ва сиёсий ва ғойри сиёсий тоифаларнинг устоз ва шайхлари бу хукуматларни мақтаб ўтирдилар ва шу хукуматларга қарши хақ гапирмадилар. Бунинг оқибатида табъий бўладиган иш бўлди. Ислом дини туйғуси билан ва хиссиётга берилиб кетган ёшлар бу хокимлар ва шу хокимлага қул бўлиб кетган рахбарларни ҳаммасини “кофир” деб айта бошладилар. Зероки уларнинг иймоний

ғайрати кучлик эди. Лекин иймоний ғайратдан кўра жоҳиллик ҳам бор эди. Илм йўқ эди уларда. Лекин илми борлар хукумат билан бирга эди. Шунинг натижасида бу асл йўлдан тойилган такфирий тоифа туғилди. Муаллиф Абу Мусаъб Сурий бу ерда кўп яхши ибораларни ишлатган бу тоифалар тўғрисида. Шуни келтириб кетамиз: “Инқилобий ҳаракатларда шундай йигитлар бор эдики уларда даҳшат кучли исломий туйғу (ҳиссиёт) бор эди. Аллоҳ таолонинг динига ашаддий ғайрат бор эди. Лекин шу билан бирга дин илмдан жоҳиллик ҳам кўпроқ миқдорда топилар эди. Диннинг аслини, диннинг қонун ва қоидаларини ҳам билмас эдилар. Шу билан воқеликни билишмас эди ва нима қилиш кераклигини тушунмас эдилар.” Шунинг натижасида бу тоифа вужудга келди. Булардан баъзилари кўрдики хоким кофир экан. Қамоқхонада зулм қиладиган полисларни кўрдилар. Улар номусларга тажаввуз қилиб ташлар, қонларни тўкар, Аллоҳ ва Росулини ва Аллоҳнинг динини ҳаё қилмасдан, қўрқмасдан сўкиб ташлар экан. Шундан сўнг азобланиб турган шу йигитларда шундай ақида пайдо бўлдики: “Булар албатта кофирдирлар. Буларнинг кофирлигида шубҳа йўқ”. Уларнинг бу чиқарган хулосаси тўғри. Фатволари тўғри. Уларнинг кофирлигида шубҳа йўқ. Ундан кейин мунофиқ муллаларни кўрдилар. Бу мунофиқ муллалар хокимларнинг ишларини шариат ранги билан бўяб бераётганини ҳам кўрдилар. Бу хокимларнинг ишларини жоиз деяётганини ҳам кўрдилар. Аллоҳ нозил қилган оятларни беркитиб уни орзон нархга сотаётганини ҳам кўрдилар. Бу йигитлар шу ишларни кўриб буларни ҳам кофир деб қўйди. Ундан кейин кўринишда номлари катта аммо жудаям ожиз бўлиб кетган, заифлашиб кетган инқилобий харакатларни рахбарларини кўрдилар. Ва улардан бу хокимларни хукмини сўрадилар. Бу лидерларни баъзилари айтдики: “Бу хокимлар фосиқлар”. Ва баъзилари айтдики: “Булар Золимлар”. Ва баъзилари эса бу хокимларнинг хукуматларини “исломий хукумат, аммо зулми бор, фосиқлиги бор”. Лекин ҳеч ким уларни кофир дейишга журъат қила олмади. Шундан сўнг бу ёшлар миясида катта бир фикрий портлаш бўлди. Ва шундан сўнг улар машҳур усул яъни машҳур қоидани ўзларига қонун қилиб олишди. “من لم يكفر من كفروه فقد كفر” “Ким кофирни кофир деб айтмаса у ҳам кофир” қоидани ҳамма одамларга ишлата бошлашди. Муаллиф Абу Мусъаб Сурий айтади: Бу қоида Мутафақун алайҳ бўлган кофирлар учун ишлатилар экан. Яъни Яхуд, Насоро ва Мажусий каби кофирлар учун экан. Лекин бу “бечора” ёшлар бу қоидани ҳамма одамларга ишлата бошлашди. Ҳаттоки улар шу даражага бориб етдики. Улар кимни кофир деб айтган бўлса сиз агар ўша одамни кофир деб айтмасангиз сизни ҳам кофир дейишгача боришди. Аҳли илмлар мунофиқ, ўзлари эса илмсиз бўлганлиги натижасида улар кимни кофир дейиш керак ва кимни кофир демаслик керак масаласида яна ўзаро ихтилоф қила бошлашди, яъни чегарани билмай қолишди. Сўнгра буларда ҳам тоифалар туғилиб кетди. Баъзилари шу даражада такфирий бўлиб кетдики: “Бу хукуматлар ва бу хукуматларга итоат қилиб турган одамлар яъни рози бўлган ҳолатда бўладими ёки норози бўлиб турган ҳолатда бўладими фарқи йўқ. Ҳаммалари кофир.” - деб ташлашди. Сўнгра бу ёшлар қамоқхона ҳаётидан безор бўлиб хижратга чиқишди ва қолган биродарларини ҳам шунга чақиришди. Баъзи жойларда буларни жамоатлари ҳам ташкил топди. “جماعة المسلمين” “Мусулмонлар жамоати” номи билан. Бу номдан яна шуни тушунса бўладики, фақат булар мусулмон экан, бу жамоатдан ташқари одамлар мусулмон эмас. Шундай ноёб тоифалар ҳам бор эди. Ҳозир ҳам бўлса керак валлоҳу аълам. Бу ишлар, бу мусибатларнинг фойдаси кимга бўлди? Фақат кофирларга. Муаллиф Абу Мусаъб Сурий айтадики: Бундай такфирий тоифалар ўзларига озор бердилар ва бошқаларни ҳам озорланишига сабаб бўлдилар. Душманга булар “тилло” фурсат

бердилар. Кофирлар жиҳодий ва исломий гурухларга мусулмонларнинг мухуббатини йўқ бўлиб кетишини ҳоҳлаган эдилар ва шу тоифа сабабли бунга мувоффақ бўлдилар.

Яна Муаллиф Абу Мусаъб Сурий такфирий тоифани пайдо бўлиш сабабини қуйидагича изоҳлаяпти:

حاكم كافر ظالم + جلاد سفاح مجرم + عالم منافق للسلطان + صحوة عاجزة + عامة يغلب عليهم الفساد + شباب متحمس جاهل مظلوم = ميلاد تيار التكفير.

Кофир, Золим хоким + Қонлар тўкадиган, мужрим жаллод + Подшоҳга мунофиқлик қиладиган олим + Заифлашиб кетган инқилобий харакатлар + Бузғунчиликка берилиб кетган халқ + Хиссиётга берилиб кетган жоҳил мазлум ёшлар = Такфирий тоифа вужудга келади.

“وكدأب الشيطان دائما” Ва шайтоннинг тариқаси ҳар доим шундай бўлган.

Бу такфирийлардан баъзилари илм олишни ва Салаф солиҳларнинг китобларини мутоъала қилишни бошлашди. Шундан сунг буларда ҳам амирлар, муфтийлар, фақиҳлар, адашган ва адаштирадиган нашриётлар чиқа бошлади. Ва ҳар қандай ҳолатда буларда шиддат ғолиб бўлиб турди. Баъзилардан куфр давлатларининг истихборотлари фойдаланди. Гуноҳсиз одамларнинг қонини тўкишга кўп сабабчи бўлдилар ва хаттоки бир – бирини ўлдиришга ҳам бордилар. Давлат истихборотлари ўлдирмоқчи бўлган одамларни бўларнинг рўбарўсига келтириб қўйиб улардан қутилар эдилар. Сўнгра жиҳод ва мужоҳидлар ва инқилобий ҳаракатлар ва исломнинг ривожланишига катта зиён бўлдилар. Муаллиф Абу Мусаъб Сурий айтяптики: “Мен яна такфирийлар ҳақида олтинчи ва еттинчи фаслда батафсил айтиб ўтаман.”

Шу ерда бу такфирийлар ҳақидаги бир хикояни айтиб кетмоқчиман: Овропада такфирийликда ашаддий бўлиб кетган иккита бიродар яшар экан. Уларни ашаддийлиги шу даражада эканки ўзларидан бошқа хаммани кофир деб хисоблар эканлар. Улардан бири Мисрга сафарга бориб полислар тарафдан қамоққа олинибди. Ва у қамоқдан чиқиш учун ва ўзини беайб эканлигини исботлаш учун ўзига бир адвокат ёллабди. Бу ишдан хабар топган Овропадаги биродари айтибдики. Мени бу биродарим қамоқдан қутилиш учун кофирдан ёрдам олибди ва ўзи ҳам кофир бўлибди. Қамоқда ётган биродари бу гаплардан хабар топгандан кейин шундай дебди. Бу биродарим мени кофир дебди, зероки мусулмонни кофир дейишлик куфрдир. Биродарим мени кофир деб ўзи кофир бўлибди. Мана шундай қилиб ер юзида бор уммат ҳам тугаб битибди. Шу ерда Саид Ҳавво рохимаҳуллоҳнинг такфирийларга қарши айтган қавлини эслатиб кетмоқчиман: “Эй биродарлар! Сизлар шу умматни зулмдан қутқарамиз деб чиққансизлар лекин бугун шу умматни ўзини кофир деб ташлаяпсизлар. Кимни қутқармоқчисизлар?”

Хулоса: 2 – босқич 25 йил мобайнидаги даврни ўз ичига олади. Бу давр ичида инқилобий жамоатлар 4 тоифага бўлинди. Булардан Такфирий тоифа пайдо бўлиш жиҳатидан охирги тоифа бўлиб, мухитни кескин қаттиқлашиши натижасида вужудга келди. 2 – босқич жамоатларни тоифаларга ажратиш босқичи бўлди. 3 – босқичда эса шу тоифаларга ажратилган жамоатларни устига келган қийинчиликлар, синовлар, инқирозлар ва имтихонлар таъсирида жамоатларда қандай ўзгаришлар юз бергани ва бу жамоатлар олиб борган ишлари ҳақида бўлади. Аллоҳнинг нурини равшанлаштириш мақсадида қилаётган ишларимизга ўзи ривож берсин ва амалларимизни давомли бўлишига муваффақ қилсин. Амин.

Имтихонлар босқичи

ХХ асрнинг охирги қисми яъни 1990 йилдан 2000 йилгача бўлган давр ичида инқилобий жамоатларга келган имтихонлар ҳақида баён қилиб ўтамиз. 1990 йилнинг бошида Америка бутун дунёга “Янги Дунё Низоми” (New World Order)номли дастурни эълон қилди ва “Бутун дунёда бир хил низом бўлади” деб айтган эди. Араб ва мусулмон давлатларнинг тоғутлари 90 йилнинг бошида Американи ўзларига дўст тутиб исломий инқилобий ҳаракатларни ўзларидан узоқлаштириб қўйдилар. Натижада шу исломий инқилобий ҳаракатларнинг раҳбарлари тоғутларга қарши стратегик ва ақидавий ҳамда аскарий жиҳатдан ҳам юзма-юз келиб қолдилар. Зероки ҳозирда “Жуган” Америка, Европа ва НАТОнинг қўлидадир. Муаллиф Абу Мусаъб Сурий хафизаҳуллоҳ айтяптики: “Ғарб сиёсатини хулоса қилиб баъзи нуқталарини айтиб ўтаман. Шундан сўнг бу 4 тоифага қандай имтихонлар келганини тушуниб оламиз.”

1 – Мақсад. Жиҳодий инқилобий ҳаракатларни юмшатиш. Яъни кофирларга бўлган нафратини пасайтириш.

2 – Мақсад. “Васатия” фикрни тарқатиш. Яъни исломий ҳаракатларни демократлаштириш. Токи шу исломий ҳаракатлар хукумат билан биргаликда бўлиб турсин. Яъни булар демократ бўлиб кетса ўз – ўзидан юмшаб кетади. Шу 2 – мақсад биринчи мақсадга аслан муқаддимадир.

3 – Мақсад. Такфирий фикрларни ташқарига тарқашига ёрдам бериш ва такфирий уруғларни истихборот орқали ундириб етиштириш. Яъни янги-янги навларни етиштириб чиқариш ва шу навлар сабабли такфирийлар билан мужоҳидлар бир нарса эканини дунёга тарқатиш. Гўёки такфир ва жиҳод бир нарса эканлигини билдириш. Кофирларга бу ишдан бўладиган фойдаси шуки: Уммат мужоҳидлардан узоқлашиб кетади ва уммат билан мужоҳидлар ўртасида фитна бошланади. Шу тажриба Жазоирда 1993 йилдан 1997 йилгача давом этди ва мувоффақиятли якунланди.

4 – Мақсад. Тарғибот ва ташвиқот орқали мусулмон муҳитни европалаштириш ва ғарблаштириш бўлди. Уларнинг ғарбий одоб ва ахлоқи мусулмон муҳитда тарқатилди. Бунинг натижасида авлодларимиз ва муҳитимиз бузилиб кетди. Гўёки жиҳод майдонга мусулмон авлодни етиштириб берадиган уруғни қуритиб, ўрнига ўзларини қувватлайдиган авлодни етиштириб чиқаришни бошлашди. Бунинг натижасида мужоҳидлар заифлашди.

5 – Мақсад. “Тероризмга қарши жанг” - деб мужоҳидларни йўқ қилиш сиёсати бошланди.

6 – Мақсад. “Тероризмга қарши жанг” ном остида тарғибот ва сиёсат орқалик